

ЙЎЛ ҚУРИЛИШИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБ ВА МЕЪЁРЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА



Сўнгги йилларда мамлакатимизда энг охириги технологик ютуқларни ўзида мужассам этган кенг ва равон автомобиль йўллари ҳамда замонавий йўл ўтказгичларни қуриш ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Бу борадаги амалий ишларни амалга оширишда Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш мақсадида Халқаро молия институтлари ҳамда Германия, Корея, Туркия ва

Хитой давлатларидаги йирик йўл-қурилиш компаниялари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилди.

Шу ўринда, Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Президенти Такехико Накаонинг 2019 йилдаги Ўзбекистонга қилган ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Банк ўртасида эришилган келишув амалга оширилиб, Осиё тараққиёт банкининг ТА 9987-ЎЗБ сонли "Йўл соҳасини ривожлантириш стратегияси ва ҳаракатлар режаси" техник қўмак лойиҳаси тасдиқланган эди.

Бунинг натижасида, ОТБ консультантлари ва Автомобиль йўллари қўмитаси мутахассислари томонидан йўл соҳасига оид 6 та техник қўлланмалар, 1 та амалий кўрсатма, 2 та йўриқномалар, 3 та техник тавсиялар ҳамда 3 та давлат стандартлари ишлаб чиқилди.

Булар "Кўприклар. Таянч деворлар. Сув ўтказиш иншоат қувирлари"; "Цементбетон йўлларини қуриш технологияси"; "Ривожланаётган мамлакатлар учун бетон қопламалар технологияси"; "Марказий Осиё транспорт инфратузилмаси учун иқлим ўзгаришига мослашиш чора-тадбирлари (Ўзбекистон шароитида)"; "Асфалтбетон қопламали йўлларини қуриш, таъмирлаш ва сақлаш"; "Қопламадаги едирилиш қатламини замонавий услубда ётқизиш" бўйича қўлланмалар ҳамда "COVID-19 шароитида қурилиш ва таъмирлаш ишлари жараёнида меҳнат ҳимояси ва техника хавфсизлиги" бўйича амалий кўрсатмалар.

Шунингдек, "Цементбетон қопламаларини сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш" ва "Ёриқлар ва деформацион чокларни герметиклаш учун битумли мастикалар, герметиклар ва силиконларни қўллаш" бўйича йўриқномалар, "Цементбетон қопламаларининг узок муддатга чидамлилигини ошириш учун шимдирувчи таркибдан фойдаланиш", "Асфальтбетон қопламасининг хизмат муддатини ошириш учун махсус шимдирилувчи таркиб билан қайта ишлаш" ва "Автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларида "совуқ ресайклинг" технологиясини қўллаш" бўйича тавсиялар, "Махсус толалардан фойдаланилган дисперсион-мустаҳкамланган асфальтбетон қоришмалари ва

дисперсион-мустаҳкамланган асфальтобетон. Техникавий шартлар" ва "Йўл ва аэродром учун чақиқтош-мастикали полимер асфальтобетон қоришмалари ва чақиқтош-мастикали полимер асфальтобетон. Техникавий шартлар" ва Йўлбоп модификацияланган битумлар. Техникавий шартлар" каби давлат стандартлари ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда, мазкур қўлланма ва стандартлардан Тошкент Транспорт университети олим ва талабалари, илмий-текшириш ва лойиҳа институтлари, йўл-қурилиш ва уни сақлаш ишлари соҳаси мутахассислари томонидан амалиётда кенг фойдаланиб келмоқда.

O'z DS1 3609:2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Махсус тоалардан фойдаланилган дисперсион-мустаҳкамланган асфальтобетон қоришмалари ва дисперсион-мустаҳкамланган асфальтобетон. Техникавий шартлар

Расмий нашр

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги

Тошкент



ИДОРАВИЙ ҚУРИЛИШ НОРМАЛАРИ

**ЦЕМЕНТБЕТОН ҚОПЛАМАЛАРИНИНГ
УЗОҚ МУДДАТГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ
ОШИРИШ УЧУН ШИМДИРУВЧИ
ТАРКИБДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА
ТАВСИЯЛАР**

ИҚН 159-21

**РЕКОМЕНДАЦИИ ПО ПРИМЕНЕНИЮ
ПРОПИТОЧНЫХ СОСТАВОВ ДЛЯ
ПОВЫШЕНИЯ ДОЛГОВЕЧНОСТИ
ЦЕМЕНТОБЕТОННЫХ ПОКРЫТИЙ**

Расмий нашр
(ўзбек ва рус тилларида)

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги
ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитаси

Тошкент 2021

O'z DSt 3610:2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Йўл ва аэродром учун чакиткош-мастикали полимер асфальтобетон
қоршмалари ва чакиткош-мастикали полимер асфальтобетон.
Техникавий шартлар**

Расмий нашр

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги

Тошкент



ИДОРАВИЙ ҚУРИЛИШ НОРМАЛАРИ

**АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ҚУРИШ ВА
РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИДА
“СОВУҚ РЕСАЙКЛИНГ”
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА
ТАВСИАЛАР**

ИҚН 161-21

**РЕКОМЕНДАЦИИ ПО ПРИМЕНЕНИЮ
ТЕХНОЛОГИИ ХОЛОДНОГО
РЕСАЙКЛИНГА ПРИ СТРОИТЕЛЬСТВЕ
(РЕКОНСТРУКЦИИ) АВТОМОБИЛЬНЫХ
ДОРОВ**

Расмий нашр
(ўзбек ва рус тилларида)

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги
ҳузуридаги Автомобил йўллари кўмитаси

Тошкент 2021

Албатта, ишлаб чиқилган ушбу қўлланма ва стандартлар юртимизда йўлсозлик соҳасини ривожлантиришга хизмат қилиб, йўл-қурилиш технологияларини модернизация қилиш, автомобиль йўлларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда янада замонавий, қулай, хавфсиз, раvon ва иқлим ўзгаришларига бардошли бўлган йўлларнинг барпо этилишига олиб келади.

Ўз навбатида, соҳада амалга оширилаётган бундай ижобий ишлар мухтарам Юртбошимиз табири билан айтганда олий жаноб, меҳнаткаш халқимизни рози қилишга хизмат қилади.

Автомобиль йўллари кўмитаси

Ахборот хизмати